

Қуръон 7 қироатда нозил бўлган дейилади. Уларнинг қайси бири афзалроқ

20:58 / 27.04.2016 4622

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ҳадис»ларида (3 китоб, 363 бет, 1-10 боблар) Қуръон 7 қироатда нозил бўлган дейилади. Уларнинг қайси бири афзалроқ ва бир-биридан фарқи нимада?

Имом Бухорий бўлсин, бошқа муҳаддисларимиз бўлсин саҳиҳ китобларда ҳеч қачон Қуръон Карим 7 қироатда тушди, нозил бўлди деган гапни келтирмаганлар. Пайғамбаримиз (сав) бу гапни мутлақо айтмаганлар. Агар шу саволдаги гап тўғри бўлиб китобда, ҳадисни Қуръон 7 қироатда нозил бўлган деб тржима қилинган бўлса, ниҳоятда катта хатога йўл қўйилган бўлади, буни тезроқ тузатиш керак. Ҳадисларда "Қуръон Карим 7 харфда нозил бўлган" дейилган, қироатда эмас. 7 қироат ва 7 харф мутлақо бир-биридан бошқа нарсалар ҳисобланади. Қуръон Карим 7 қироатда нозил бўлди деган гап йўқ. 7 қироат деган тушунча Пайғамбаримиз (сав) нинг вақтларида бўлмаган, мутлақо. 7 харф эса улуғми Қуръон мутахассисларининг чуқур таҳлилларидан кейин Қуръон Каримнинг тилоти пайтида Пайғамбаримиз (сав) ўзлари ўқиган ва руҳсат берган баъзи-бир ҳолатлардаги ўзаро қироатлар орасидаги фарқларни айтилади. Араб тили шуни кўтаради, баъзи-бир исмларни бир қироатда, яъни бир харфда, муфрат ҳолида, бирлик ҳолида ўқилган, иккинчи бир харфда жам ҳолида ўқиши мумкин. Баъзи-бир феъларни ғойиб, мухотоб ҳолида ўқиш мумкин. Ва шунга ўхшаган қироатни йўлга қўйишда Қуръон Каримнинг оятларини лафзларини нутқ қилишда ўзаро фарқлар бўлади. Мисол учун: Бизнинг қироатимизда "Я аййухан набийю" деб ўқисак, варш қироатида "Я аййухан набиу" дейилади. "Ана шундай ўзгариш бўладиган соҳалар еттита" деган маънони уламоларимиз олдинга суришади, лекин "етти қироат" сўзи кейин чиққан. Қироат имомлари, уларнинг ровеълари, бу илмнинг таг-тубига етиб, ўзига хос бир мазҳабга ўхшаш йўлларни демак жорий қилганларидан сўнг илмий асосда Пайғамбаримиз (сав) нинг ўзларига етказиб бориб қироатни бошқаларникидан демак қоидаларини асосида, алоҳида бир йўлга қўйганларидан кейин машҳур қориларнинг қироатини илмий равишда китобларга ёзишга бошлаганда беихтиёр еттитасини танлашган. Ана шу маънони биз язши тушуниб олишимиз керак. Ҳадисларда келган Қуръон Карим "етти харфда нозил бўлди" деган маъно мутлақо қироат маъносини англатмайди. Қироатлар яна қайтариб

айтамиз кейинги пайтларда чиққан ҳолат уни етти ҳарфда нозил бўлганлиги маъносида мутлақо аралаштирмаслик керак. Энди қироатларга келадиган бўлсак етти қироат бор, ўн қироат бор, ўн тўрт қироат бор. Лекин етти қироат машҳурроқ, уларнинг орсидаги фарқларни мутахасислар англайди. Баъзи-бир Қуръонни яхши ўқийдиган одамлар ҳам фарқлаши мумкин. Ҳозирги кунда мусулмон оламида кенг тарқалган қироат имоми Асимдан имоми Хафс ривоят қилган қироат бўлади. Бу мана шу ҳозирги кунда ҳаммамиз барчамиз эшитиб, ўқиб, тажвидини ўрганиб талаффуз қилиб юрган қироатимиз шу, “Қироати Хафсим ан Асим”. Ана ўша қироатни энг машҳур қироат демоқдамиз, бугунги кунда вақт ўтиши билан шу ҳолга айланиб қолган. Энди иккинчи бир қироат яна бугунги кунда бор, бу қироат қироати “Қолун ан Варш” дейилади. Имоми Варшдан Колундан ривоят қилинган қироат бўлиб, бу қироат мана Либия, Тунис, Жазоир, Марокаш ва ўша тарафдаги ифриқа давлатларида тарқалган демак қироат ҳисобланади. Мана шу нарсаларни биз яхши билишимиз керак. Лекин минг афсуслар бўлсинким билиб биламасдан қилинган таржималар оқибатида, етук илмга эга бўлмаган, мана шундай нозик атарфларини англай олмайдиган одамлар тарафидан қилинган таржималар, ҳалқимизни кўпгина ташвишга солаётганлиги, тушунмовчиликлар келиб чиқаётганлиги, мана бунга ўхшаган саволлар кўпаяётганлиги ҳаммамизнинг афсусимизга, надоматимизга сабаб бўлади. Бу нарсаларга чек қўймоғимиз керак, бу нарсаларни яхшироқ таҳқиқ қилмоғимиз, охирига етиб билмоғимиз лозим лобуд бўлади.